


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

Дахлдорлик — БУЮК ТҮЙҒУ

Бугунги таҳликали мафкуравий курашларга тўла ҳаёт биздан янги Ўзбекистон даражасидаги фаол дахлдорликни талаб қилмоқда



Дунё нотинч. Жадаллашаётган глобаллашув ҳаммани шошириб қўйди. Нотинчликлар мафкура соҳасидан бошланиб, халқаро муносабатлар, иқтисод, сиёсат, ижтимоий, ҳарбий соҳаларга таъсир кўрсатяпти.

Бугунги мафкуралар ёшларни ўз чангалига олиб, аврашга чоғланган. Шунинг учун ўзини ҳурмат қилган ҳар бир давлат, аввало, ёшларини уйлаплати, уларни турли таҳдидлардан

асрашга интиляпти. Ёшларда ўз киндик қони томган Ватанига, ота-боболарига, халқига дахлдорлик туйғусини, фарзандлик оқибатини кучайтиришга ҳарakat қилмоқда.

Бундай куюнчақлик азалий миллий тарбиямизда бор. Жиззахлик 90 ёшли Робия онанинг тилаклари ҳам ана шундай оқиллик, ойдинлик йўли сифатида шуълаланди. Мўътабар

онахон икки қўлини очиб, дуо қилди: “Ё Худойим, болаларимизни яхшиларга ёндаштир, ёмонлардан адаштир!”

▶ Давами 3-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Кейинги йилларда ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ

бир йилда 5,2 фоиз пастлади



Жумладан, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ташкил этилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз фуқаролар рўйхатга олинди, энг аввало, уларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Бу

каби ислохотларнинг самараси ҳаётда буй кўрсатмоқда. Одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда.

▶ Давами 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШ

яшил макон ва “яшил” иқтисодиёт дастурлари билан самарали кечади

Дунё ҳамжамияти глобал иқлим ўзгаришига қарши курашда сайёрамиз ҳарорати ўсишини 1,5 даражада ушлаб туриш дастурини қабул қилган. Бунда кўмир ва газдан фойдаланиш натижасида чиқадиган карбонат ангидрид (CO₂) газини кескин камайтириш, 2050 йилгача тўлиқ муқобил энергетика тизимига ўтиш ҳамда ўрмон ва ер деградациясининг олдини олиш каби қатор вазифалар кўзда тутилган. Айниқса, яйлов ва ўрмонлар муҳимлигидан келиб чиқиб, карбонат ангидридни камайтиришда яшил макон дастурлари алоҳида эътиборга молик. Бироқ атмосферадаги карбонат ангидрид газининг иссиқ тутиб туриш хусусияти юқорилигини инобатга олсак, сайёрамиз ҳарорати ўсишини 2 даражадан қуйида ушлаб туриш катта қийинчилик туғдиради. Бу муаммони ечиш учун CO₂ газини мақсадли ва режали камайтиришга уруғ бериш лозим. Бу мақсадга эришиш учун 2100 йилгача атмосферадан 500 миллиард тонна CO₂ газини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу йилга 6,5 миллиард тонна CO₂ газини ўзлаштириш мажбуриятини қўяди.

▶ Давами 5-бетда

СТАТИСТИКА

САНОАТДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг доимий ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ёки жаҳон бозоридаги қўлай конъюнктура, айрим товар ва материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, аксинча, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ҳамда устувор ривожлантириш ҳисобига таъминланмоқда.

Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишига олиб келади. Соҳада хомашё ресурсларини қайта ишлаб, янгидан-янг маҳсулотлар чиқариш, уларнинг тури ва номенклатураси кўлайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёни такомиллашиб борапти.



Тармоқ иқтисодиёт локомотиви бўлиши баробарида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини

ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. 2022 йилда республикамиздаги жами меҳнат ресурсларининг

1 миллион 823 минг нафари шу соҳада банд бўлган ишчи-ҳодим ҳисобланади. Унинг бандлигини оширишда яна бир муҳим хусусияти шундаки, қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги эвазига янги иш ўринлари вужудга келади. Яъни қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қиймат ошгани сари саноатда ҳам банд бўлганлар сони ортаверади.

Бундан кўринадики, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ортиши ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Саноат жаҳон иқтисодиётида иштирак этаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт тармоқларининг мувозанатини таъминлашга ёрдам беради.

▶ Давами 4-бетда



ТАҲЛИЛ

Қорақалпоғистон: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Қорақалпоғистоннинг сўнгги беш-олти йиллик ривожланиш жараёнига назар солсак, ўсиш тенденцияси ва иқтисодий векторнинг юқорига силжиш динамикаси барча жабҳаларда кўзга ташланади. Республикада хорижий сармоя жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, контрактицияга янгича ёндашиш, ҳамкорлик доираларини кенгайтириш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланиш орқали тараққиётнинг янги поғоналарини эгаллашга эришилди. Буларнинг бари аҳоли турмуш даражаси юксалишида ва худуднинг қиёфаси янгиланишида ўз аксини топмоқда.

▶ Давами 2-бетда

АГРОТАРМОҚ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИ КАФОЛАТЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

Сув — бебаҳо неъмат. Шунинг учун ҳам уни тежаб, самарали фойдаланиш масаласи ўз долзарблигини йўқотмайди. Сир эмас, Ўзбекистон эҳтиёжи учун зарур сув захираларининг асосий қисми қўшни давлатлар худудида шаклланади. Бу эса трансчегаравий сув ҳавзаларидан фойдаланишда айрим муаммоларни юзага келтиради. Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сугориладиган майдонга эга мамлакат.

▶ Давами 4-бетда

